

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

АБДУКАРИМОВ УЧКУН ҒАПУРОВИЧ

**ГИНЕКОЛОГИК ПАТОЛОГИЯЛИ АЁЛЛАРДА КЎКРАК БЕЗИ
ЎСМАЛАРИНИНГ СКРИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИНИ
МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология
14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро –2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Абдукаримов Учкун Гапурович

Гинекологик патологияли аёлларда кўкрак беги ўсмаларининг скрининг
диагностикасини мақбуллаштириш.....3

Абдукаримов Учкун Гапурович

Оптимизация скрининг диагностики новообразований молочных желёз у
женщин с гинекологической патологией25

Abdukarimov Uchkun Gapurovich

Optimization of screening diagnostics of breast glands tumors in women with
gynecological pathologies47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works50

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

АБДУКАРИМОВ УЧКУН ҒАПУРОВИЧ

**ГИНЕКОЛОГИК ПАТОЛОГИЯЛИ АЁЛЛАРДА КЎКРАК БЕЗИ
ЎСМАЛАРИНИНГ СКРИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИНИ
МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология
14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро –2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №.В2022.2.PhD/Tib2761 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг (www.bsmi.uz) веб-саҳифасида _ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ихтиярова Гулчехра Акмаловна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Саидов Ғафур Нормуродович
Тиббиёт фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Захирова Наргиза Неъматовна
Тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Қозоғистон миллий тиббиёт университети
(Қозоғистон)**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг “02” декабр 2025 йил соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси 23 уй Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (160 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси 23 уй Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «28» ноябрь куни тарқатилди.
(2025 йил «20»ноябрдаги даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

С.С Пулатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунё бўйлаб кўкрак беши саратони (КБС) аёллар онкологик касалликлари орасида касаланиш бўйича биринчи ўрини эгалайди. Бу барча хавфли ўсма касалликларининг орасида 16% ни ташкил қилмоқда. Сайёрамизнинг ҳар саккизинчи аёлида ушбу касалликга чалиниш хафи мавжуд. Эркалар бу касалликга камроқ мойил бўлиб, ҳар 100 та хасталанган аёлга битта эрка тўғри келади. Халқаро саратон тадқиқотлари ташкилоти (МАИР) маълумотларига кўра, 2022 йилда 2296840 та янги кўкрак беши саратони касаллиги қайд этилган бўлиб, 666103 та бемор ушбу касалликдан вафот этган.

Дунё бўйлаб маммографик скрининг касалликнинг эрта босқичида аниқланишини таъминлайдиган асосли, исботланган ва зарур текшириш усули ҳисобланади. Ғарбий Европа ва Жанубий Шарқий Осиёнинг кўплаб мамлакатларида скрининг маммографиянинг самарадорлиги ушбу дастурда иштирок этаётган аёллар орасида кўкрак беши саратонидан ўлим кўрсаткичини камайиши ҳисобланади. Соғлом аҳоли орасида маммографик текшириш ёрдамида ўтказилган скрининг касалликни клиник белгилари намён бўлишидан олдин аниқлаш имконини беради. Аёлларни тиббиётнинг бирламчи тизимда сут беши касалликларини самарали скрининг қилиш эрта босқичларда аниқлаш шунингдек хавфсиз ва хавфли ўсмаларни илк даврда ташхислаш имконини беради ва ўз вақтида даволаш чораларни кўрилганда беморларни ушбу хавфли касалликлардан буткул фориҳ қилиш ва тўлиқ соғайиб кетишига эришилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари асосида жумладан: 27 май 2021 йил ПҚ №5130 сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига онкологик хизматларни янада ривожлантириш ва онкологик ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"¹ ва 22 ноябр 2024 йил ПҚ № 402 сонли "Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"² ги қарорларга таяниб 2025-2030 йилларда бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини назорат қилиш дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тузилган. Аҳолига онкологик хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида "онкологик касалликларнинг олдини олиш эрта ва илк даврда ташхислаш бўйича чора-тадбирлар режаси тузилиб, қарорнинг тегишли бандида онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг дастурларини босқичма-босқич кенг жорий этиш" топшириғи берилган. Шунга асосланиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг берилган топшириқлари билан 45-65 ёшдаги аёллар орасида кўкрак беши ўсмаларини эрта ва илк даврда аниқлаш учун скрининг текширувларини ўтказиш қарор қилинган.

¹27 май 2021 йил ПҚ-№5130сонли "Аҳолига гематология ва онкологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"

²22 ноябр 2024 йил ПҚ № 402 сонли "Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ушбу касалликларга бағишланган илмий тадқиқотлар муаммони ўрганишда тизимли ёндашув билан ажралиб туради. КБС учун мўлжалланган маммографик скрининг касалликни эрта босқичларда аниқлаш имконини берувчи асосланган, исботланган ва мухим усул ҳисобланади. Кўплаб тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, мунтазам маммографиядан ўтадиган аёлларда КБС эрта босқичда аниқлаш имконияти юқори, бундай ҳолларда одатда радикал мастэктомия ёки кимётерапия каби “агрессив” даволаш усулларига еҳтиёж сезилмайди ва тўлик тузалиб кетиш эҳтимоли юқори бўлади (Bewley S., Dorling L., 2019).

Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатлари ва Жанубий Шарқий Осиёда скрининг маммографиясини ўтказиш самарадорлигининг исботи — бу скрининг дастурига қатнашган аёллар орасида сут бези саратонидан ўлим даражасининг пасайишидир. Маммография орқали аҳоли орасидаги соғлом аёлларга ўтказиладиган сут бези саратони скрининги касаллик клиник белгиларсиз даврида аниқланишига имкон беради. (Батов С.В., Тимофеева А.А., 2016, Бауло Е.В., Вакарчук И.В., 2018, Белоцерковцева Л.Д., Климова Н.В., Коваленко Л.В. 2019).

Онкологик скрининг бу диагностик тест эмас, балки соғлом аҳолининг катта қисмини узоқ муддатли ва мунтазам асосда иштирок этадиган давлат дастуридир. Скринингнинг асосий мақсади онкологик хасталикларни эрта босқичда аниқлашдан иборат. Бу эса кечиктирилган босқичда анкиланган ҳолатларини даволаш харажатларини камайтириш, аҳамиятли ижтимоий қатлам аҳолининг ҳаёти ва меҳнатга лаёқатлилигини сақлаб қолишга имкон беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 май 2021 йил ПҚ №5130 сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига онкологик хизматларни янада ривожлантириш ва онкологик ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори ва топшириғига асосан “Аёллар орасида сут бези саратонини эрта босқичда аниқлаш учун барча шароитларни яратиш” юзасидан Бухоро вилоятидаги туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари (ТТБ/ШТБ) стационар ва кўчма мобил маммографик ускуналар билан жиҳозланди. (Ососков А.В., Саидов Ғ.Н., Дўстов Ш.Х., Ихтиярова Г.А., Алимходжаева Л.Т., Ибрагимов Ш.Н., Джанклич С.М 2023).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, "COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро вилояти аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, диагностика қилиш ҳамда даволаш ва олдини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026)" йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: гинекологик патологиялари бўлган аёлларда кўкрак бези ўсмаларини эрта ташхислаш учун маммографик скринингни мақбулаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

Бухоро вилоятида 2021 йил 27 май ПҚ №5130 сонли Президент қарори асосида амалга оширилаётган тажриба лойиҳаси скрининг маммография натижаларини комплекс баҳолаш, жинсий аъзолар патологияси бўлган аёлларда кўкрак беи хавфсиз ўсмалари билан бирга кечувчи ҳолатларининг соматик ва репродуктив саломатлигини баҳолаш;

кўкрак беи ўсмаларининг (BI-RADS 2) юзага келишида стероид (Эстрадиол, прогестерон, ФСГ, ЛГ, пролактин) гормонал омиллар ва гинекологик касалликларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

BI-RADS 2,4,5 сут беи ўсмалари ҳамда гинекологик патологияси бўлган аёлларда томосинтез билан рақамли маммография назорати остида стереотаксик биопсия амалиётидан кейин гистологик ва иммуногистохимик таҳлиллардан сўнг ушбу патологиялар ўртасида боғлиқликни баҳолаш.

гинекологик патология замирида BI-RADS 5 ривожланишига доир хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш учун прогностик харита ҳамда маммоскрининг алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: Бухоро вилоятида ўтказилган тажриба скрининг доирасида 173 874 нафар аёл кўриқдан ўтказилди ва улар орасидан 145 нафар аёл танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети: пилот лойиҳа мамоскрининг натижалари морфологик, лаборатор маммографик тадқиқотлар натижалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу вазифаларнинг ечими учун клиник, лаборатор, морфологик, маммографик, ультратовуш, стереотаксик биопсия ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўкрак беи саратонини маммографик скрининг текшируви орқали BI-RADS 5 тоифасини аниқлаш учун уч босқичли ахборот онлайн тизимини бошқариш модул платформаси яратилиб, ахборот тизими модуллари орқали ҳамроҳ гинекологик патологияга эга аёллар ҳолатини узлуксиз мониторинг қилиш имконияти баҳоланган;

гинекологик патологияси, анамнезида бачадондан аномал қон кетиш (бачадон миомаси, аденомиоз, эндометрий гиперплазияси) бўлган аёлларда кўкрак безларида майда тугунсимон ҳосилалар билан бирга кечаётган ҳолатларда (BI-RADS 2,4,5) томосинтез функциясига эга рақамли маммография назорати остида стереотаксик биопсияда олинган тўқималар намунасининг гистологик ва иммуногистохимик таҳлили асосида беморларда дифференциал ёндашувлар асосланган;

BI-RADS-2,4,5 тоифасига кирувчи сут беи ўсмалари бўлган беморларда эстрадиол ва пролактиннинг ошган кўрсаткичлари билан бачадон патологияси (бачадон миомаси, аденомиоз, эндометрий гиперплазияси) мавжудлиги ўртасида тўғридан-тўғри, паст ва ўртача корреляцион боғлиқлиги исботланган;

сут беи ўсмалари билан бирга бачадон миомаси, аденомиоз ва эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари касалликлари аниқланган беморларга BI-RADS-5 ривожланиш хавфини аниқлаш учун НИК усулида беморларни йўналтириш ва эрта ташхислашнинг прогностик харитаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Маммографик скрининг дастурининг амалга оширилиши кўкрак беzi саратонини дастлабки босқичларида аниқлаш ҳолатлар сонини, беморларнинг умри давомийлигини ва ҳаёт сифатини оширди, аъзо сақловчи даволаш усуларини кўпроқ амалга оширилиши, ногиронликнинг дастлабки ҳолатларини қисқартирди реабилитация ва даволаш ҳаражатларини камайтирган.

Бухоро вилоятида маммографик скринингини ташкил этиш қуйидаги бандларни ўз ичига олган: тиббиёт ходимларини жойларда тайёрлаш; аёлларни скринингдан ўтишга ташвиқот, тарғибот қилиш, аёлларнинг мақсадли гуруҳини яратиш (45-65); рўйхатга олиш харитасини шакллантириш; ахборот тизимида ишлаш; Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази базасида ўқув марказини яратиш (riding centre)

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: тадқиқотда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, морфологик, маммографик ультратовуш ва статистик усуллардан фойдаланилган, қўлланилган усул ва услублар, назарий маълумотларнинг олинган натижага мувофиқлиги, беморларнинг етарли миқдори, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлил орқали қайта ишланганлиги, шунингдек натижаларнинг хорижий ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Илмий тадқиқот натижаларининг аҳамияти қуйидагилардан иборат: тажриба лойиҳа сифатида маммографик текширувлар ва аёлларда кўкрак беzi саратонини назорат қилиш бўйича комплекс дастурни ташкил этишнинг муҳимлигини исботланди. Саратони эрта ва илк даврида аниқлаш давлат учун устувор вазифадир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, онкологик скрининг — бу давлат дастури бўлиб, унда кўп сонли соғлом аҳоли доимий ва узоқ муддатли асосда қатнашади. Скринингнинг мақсади — онкологик касалликларни клиник белгилари номоён булишдан олдинги босқичда аниқлашдир. Бу эса саратонинг кечки босқичдаги ҳолатларни даволаш учун ҳаражатларни камайтириш, аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга қатламнинг ҳаёти ва меҳнатга лаёқатини сақлаб қолиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

«Кўкрак безларида тугунсимон хосилаларда томосинтез функциясига эга рақамли маммография назорати остида стереотаксик биопсия усули» мавзусидаги илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгаши 2023 йил 14 сентябрдаги №23-м /097сон хулосаси олинган:

Биринчи илмий янгилик. ижтимоий самарадорлиги: Информацион тизимини бошқариш платформасида синов тариқасида КБС скрининг текшириш модели ташкил этилди ва мақбулаштирилди. Бу тизим қуйидаги модуллардан иборат: рестр модули, ёзувларни юритиш модули, скрининг модули ва телемедицина модули, ушбу модуллар орқали кўп учрайдиган гинекологик патологиялари бўлган бемор аёлларнинг ҳолати узлуксиз назорат

қилиш имконини яратади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** таклиф этилаётган тизимнинг юқори салмоғи ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Ушбу инфор­ма­цион платформа орқали курак бе­зи усмалари билан бирга куп учрай­диган гинекологик патологияси бор аёлларни доимий назорат қилиш, кассаликни олдини олиш билан давлат бюджет маблағларини хар бир бемор учун 184 00 сўм иқтисод қилиш имконини беради. Шунингдек тиббиёт ходимларнинг вақтини тежаш имконини беради. **Хулоса:** инфор­ма­цион тизим бошқариш платформаси орқали аёлларни доимий назорат қилиш имкони яратилади таклиф этилаётган усул ёрдамида баҳолаш патологик бузилишлар оғирлигини юқори аниқликда балларда, ва, мос равишда, касаллик кечишининг динамикасини, унинг башоратини ва ўтказилаётган профилактик скрининг чора-тадбирлари самарадорлигини аниқлаш имконини беради ва хар бир беморга ўртача 184 000 сўм иқтисодий самарадорликга эришилади;

Иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: гинекологик патологияси (бачадон миомаси, аденомиоз, эндометрий гиперплазияси) бўлган аёлларда кўкрак безларида майда тугунсимон хосилалар билан бирга кечаётган холатларда томосинтез функциясига эга рақамли маммография назорати остида стереотаксик биопсия амалиёти ўтказилди ҳамда олинган тўқималар намунасининг гистологик ва иммуногистохимик таҳлили амалга оширилди. Ушбу кам инвазив замонавий диагностик усул орқали кўкрак бе­зи ўсмаларини ташхислашини амалга оширишга имкони беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** кўкрак бе­зи тугунли ўсмаларини рақамли маммография томосинтез функцияси билан бирга стереотаксик биопсия амалиётини ўтказиш бу эҳтимолий асоратларни олдини олиш ва улар фоизини пасайтириш имконини беради, ва шу билан бирга, беморнинг шифохонада стационар даволанишдан воз кечилиб, амбулатор шароитида ўтказилиш имконини беради ўртача беморларнинг стационарда бўлишини 3 кунга қисқартиради, шифохона харажатларини ҳар 1 беморга 54000000 сўмга камайтиради. **Хулоса:** даволашда замонавий тадқиқотнинг оптимал усулини танлаш, ўз вақтида беморларга қулайликлар яратиш билан бирга беморларнинг стационар шароитида даволанишдан воз кечилиб амбулатор шароитида юқори технологик диагностика усулини қўллаш билан иқтисодий самарадорлик койка кунларнинг қисқариши эвазига давлат бюджет маблағларни 283866000 сўмга иқтисод қилинишига эришилди.

Учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: кўкрак бе­зи ўсмалари ривожланиши стероид гормонлар (эстрадиол, пролактин) таъсири билан мио-эндометрий патологиялари ўртасида тўғридан-тўғри паст ва ўрта корреляцион боғлиқлик борлиги шу билан бирга аксарият холларда бир бирига узаро узвий боғлиқлиги аниқланган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** кўкрак бе­зи ўсмалари билан бирга текширилган аёлларда гинекологик патологияси ўртасида тўғри паст ва ўрта корреляцион боғлиқликни ўз вақтида аниқлаш, лаборатор таҳлилари қонда эстроидиол, прогестерон, ФСГ, ЛГ, пролактин миқдорини аниқлаш касаликнинг асоратларини башорат қилиш билан бирга бюджет сарф харажатларини 264

000 сўмга иқтисод қилинишига эришилади яъни кўшимча лаборатор тахлилларга эҳтиёж қолмайди. **Хулоса:** Кўкрак беи ўсмалари билан бирга мио эндометрий патологиясини ўртасида корреляцион боғлиқликни ўз вақтида аниқлаш ва башоратлаш ушбу гуруҳдаги беморларда келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш шу билан бирга бюджет маблағлари 12,5 % иқтисод қилинган.

Тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: бачадон миомаси, аденомиоз ва эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари каби кўп учрайдиган гинекологик касалликларга эга беморлар учун прогностик харита яратилди ва асоратлар ривожланиш хавфини аниқлаш учун информацион тизим асосида беморларни йўналтириш алгоритми ишлаб чиқиб афзалиги кўрсатилди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** кўп учрайдиган гинекологик патологияси бўлган аёлларда информацион тизим орқали асоратларни баҳолаш, прогностик харита ишлаб чиқилганлиги шу билан бирга ушбу тизим орқали беморларни тегишли мутахасисга йўналтириш механизми яратилиб бирламчи тизим шифокорлари ва беморлар учун қулайлик яратилди, шунингдек асоратлар ривожланиш хавфини ўз вақтида аниқлаб эрта ташхислаш ва даволаш билан беморларни хаёт сифатини яхшилаш, асоратларни олдини олиш орқали сарфланадиган дори дармонлар харажатини давлат бюджет маблағлари хисобидан 1 240 000 сўм иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** Асоратларни баҳолаш прогностик харита асосида беморларда касалликларни эрта аниқлаш билан асоратлар келиб чиқишни олдини олиш хисобига 1 240 000 сўм миқдорда иқтисодий самарадорликга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари илмий амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та Республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий ишлар чоп этилган, 6- журнал мақолалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган 4 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда;

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация иши кириш, беш боб, хотима, библиографик рўйхатдан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши асосида илмий тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Гинекологик патологияли аёлларда кўкрак беи ўсмалари диагностикаси бўйича скринингнинг замонавий тушунчалари**” деб номланган биринчи бобида кўкрак беи ўсмалари диагностикаси муаммоси бўйича мукамал таҳлил, танқидий баҳо, илмий маълумотларни умумлаштириш ва тизимлаштириш келтирилган. Кейинги ечимларни талаб қиладиган долзарб муаммолар ўрганилди. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу масала бўйича ҳал қилинмаган муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Материаллар ва тадқиқот усуллари**” клиник материалларнинг умумий тавсифи ва замонавий тадқиқот усуллари баён этилган, тадқиқот усуллари умумий характеристикалари муҳокама қилинган.

3 йил давомида 173 874 аёл текширилган: 2021 йилда - 57 317 (30,6%), 2022 йилда - 82,679 (44,1%) ва 2023 йилда - 33,878 (18,1%), улар BI-RADS шкаласидан фойдаланган ҳолда таснифланган бўлиб, маммография, кўкрак беи хавфли ўсмаларининг даражаларига кўра УТТ ва МРТ натижаларини баҳолашни стандартлаштирилган шкаласидан иборатдир.

Тадқиқотга қўшиш мезонлари: тадқиқотимизда иштирок этиш учун аёлларнинг ёзма розилиги; аёллар BI-RADS-2 аёллар таснифи бўйича танланган;

- оғир соматик касалликлари йўқлар; 45 ёшдан 65 ёшгача.

Истисно қилиш мезонлари: тадқиқотда қатнашишдан бош тортиш;

- 45 ёшдан кичик ва 65 ёшдан катта; оғир соматик касалликлари борлар.

Кўкрак беи патологиясининг гинекологик касалликлар билан сезиларли боғлиқлигини ҳисобга олиб, кўкрак беи патологияларининг эрта ташҳисини мақбуллаштириш мақсадида кейинги тадқиқотлар учун биз BI-RADS 2 гуруҳидан яхши сифатли ўсмалари ва гинекологик патологиялари бўлган 145 аёлни танлаб олдик, ўз навбатида улардан беморларнинг вакилли учта гуруҳлари шакллантирилган. Биринчи гуруҳга 58 (49,7%) гинекологик патологияфонида кўкрак безларининг яхши сифатли касалликлари бўлганлар, иккинчи гуруҳга пролифератив тугунли мастопатияли 57 (39,3%) бемор, учинчи (назорат) 30 (20%) кўкрак безлари патологиясиз гинекологик касалликлари бўлган аёллар киритилган.

Тугунли пролифератив мастопатиянинг алоҳида кўрсатилишининг сабаби шундаки, бу патологиянинг энг ноҳуш шакли бўлиб, кўпинча малигнизацияга учрайди. Бузилишнинг моҳияти шундаки, турли даражадаги пролифератив жараёнлар (хужайра бўлинишининг жадаллашган цикли) кўпинча эстероген гормонининг концентрациясининг ортиши туфайли тўқималарда фаоллашади, бу ҳолат кўкрак безининг бошқа яхши сифатли ўсмаларида кузатилмайди.

“**Гинекологик патологияси бор аёлларда кўкрак беи ўсмалари диагностикаси бўйича тажриба скрининг лойиҳасининг натижалари**” деб номланган учинчи бобида Бухоро вилоятида тажриба скринингини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилган.

2021-йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аёллар орасида кўкрак беи саратонини эрта босқичда аниқлаш учун шарт-шароит яратиш тўғрисида” ги топшириғи билан Бухоро вилоятида маммография скрининг синов лойиҳасини ишга тушириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунга мувофиқ, Бухоро вилоятининг туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари стационар ва мобил маммографик ускуналари билан жиҳозланди.

Шифокорлар етишмаслиги шароитида бирламчи бўғин шифокорлари томонидан хатоларга йўл қўймаслик мақсадида Республика Ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази негизида ўқиш маркази (reading center) ташкил этилиб, туман маммография хоналаридан олинган маммограммаларни ўқиш учун мутахассисларига юборилади. Биргина Бухоро вилоятида йилига 70-80 мингга яқин маммография ўтказишга эришилди. Тажриба лойиҳасининг муваффақиятли амалга оширилиши ушбу скрининг моделини республика бўйлаб тадбиқ этиш имкониятини берди.

2021 йил май ойида тайёргарлик ишлари якунланганидан сўнг, илк бор Ўзбекистонда маммографик скрининг бўйича пилот лойиҳа бошланди. Ҳисобот даври мобайнида 173 874 нафар аёл текширувдан ўтказилди (мақсадли гуруҳ камрови — 70,2%) ташкил қилди Текширув натижасида 585 нафар аёлда бирламчи кўкрак беши саратони аниқланди, 2300 та хавфсиз ва саратон олди касалликлар аниқланди. Аниқланган сут беши саратони ҳолатларидан 427 нафар аёлда (73%) 1–2-босқичларда, қолган 27 % эса 3–4-босқичларда қайд этилди.

2021-йилнинг май - декабр ойлари давомида Бухоро вилоятида 57 317 нафар аёл текширувдан ўтказилиб, 301 нафар (0,9%) аёлларда маммограмма ёрдамида BI-RADS-5, яъни кўкрак беши хавфли ўсмага хос барча белгилар қайд этилган. 1433 (4,2%) аёлларда BI-RADS-4 аниқланган бўлиб, хавфли ўсмага шубҳа борлигини кўрсатган. BI-RADS-1,2 эса 30 986 (90,2%) аёлларда аниқланган, бу кўкрак безларида патологиялар йўқлиги ёки хавфсиз ўсма борлигини кўрсатади.

BI-RADS-4, 5 аниқланган барча аёллар огоҳлантирилади ва кўкрак беши ўсмаси ташҳисига қайта текшириш ва тасдиқлаш учун чақирилади. Кўкрак беши патологияси аниқланмаганда аёллар скрининг кейинги босқичига йўналтирилади яъни онко назорат хонаси шифокори назорати остига. Кўкрак беши саратони тасдиқланган ҳолларда аёллар ихтисослаштирилган муассасага даволаниш учун юборилади.

Қолаверса, аёллар скрининг текширувида мустақил равишда колл-марказ (қисқа рақам – 1303) орқали ёзилишлари мумкин, бироқ аёлларнинг аксарияти оилавий поликлиника шифокорлари томонидан таклиф этиладилар.

2022-йилда Бухоро вилоятида 82679 нафар аёл маммографик скринингда қатнашган, шундан, 482 нафарида (0,6 %) BI-RADS 5 (хавфли ўсмани кўрсатувчи барча белгилар аниқланган), BI-RADS 4 – 2930 нафарида (3,5 %) (хавфли ўсмага шубҳа), BI-RADS 1, 2 (кўкрак безларида патологиялар йўқлиги ёки хавфсиз ўсма борлиги) - 75 739 (91,6%) аёлларда аниқланди.

2023 йил давомида скрининг текшируви билан 33 878 нафар (18,1%) аёл қамраб олинган. 231 нафар (0,9%) аёлларда маммограмма ёрдамида BI-RADS-5, яъни кўкрак беши хавфли ўсмага хос барча белгилар қайд этилган. 1137 (4,2%) аёлларда BI-RADS-4 аниқланган бўлиб, хавфли ўсмага шубҳа борлигини қайд этилган. BI-RADS-1,2 эса 32876 (95,2%) аёлларда аниқланган,

бу кўкрак безларида патологиялар йўқлиги ёки хавфсиз ўсма борлигини кўрсатади.

2021-2023 йиллар давомида жами 173874 нафар аёл тиббий кўриқдан ўтказилди: шундан, 2297 (1,3%) аёлларда сифатсиз натижалар қайд этилди. BI-RADS-0 5175 (3,0%), BI-RADS-1 - 84466 (48,9%), BI-RADS-2 - 73524 (42,6%), BI-RADS-4 - 6107 (3,5%) ва BI-RADS- 5 эса 1003 (0,6%) аёлларда қайд этилган.

Текширилган аёлларнинг энг кўпи - 84 466 (48,9%) BI-RADS 1 аниқланган бўлиб, бу аёлларда нормал маммография натижалари бўлган ва ҳеч қандай ҳосила йўқлиги, архитектуранинг бузилиши ёки шубҳали кальцинатлар белгиси аниқланмаган. Улар кейинги тадқиқотлардан четлаштирилди ва 2 йилдан кейин скринингдан ўтиш тавсия қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

Бухоро вилоятида 3 йил мобайнида скрининг билан қамраб олинган аёллар сони

Туманлар	Аёллар сони	2021		2022		2023	
		абс	%	абс	%	абс	%
Бухоро ш.	37211	6455	17,3	13472	36,2	2547	6,8
Олот	8836	1947	22,0	3043	34,4	2024	22,9
Ғиждувон	24177	3930	16,3	10977	45,4	6909	28,6
Жондор	13349	3414	25,6	9955	74,6	2800	21,0
Когон ш.	5129	2667	51,7	1874	36,3	1325	25,7
Қорақўл	13365	2599	19,4	10214	76,4	1228	9,2
Қоравулбозор	1851	1732	93,6	0	0,00	969	7,3
Пешку	12625	4509	35,7	4362	32,6	2153	16,1
Ромитон	14737	6745	45,8	6050	45,3	2742	20,5
Шофиркон	15663	5610	35,6	7072	52,9	5119	38,3
Вобкент	15999	4413	27,6	6659	41,6	2702	16,9
Бухоро	17753	10324	58,2	6112	34,4	1983	11,2
Когон	6828	2972	43,5	2889	42,3	1377	20,2
Жами	173874	57317	30,6	82679	44,1	33878	18,1

Замонавий технологиялар қаторига кирувчи маммоскринингни бошқаришнинг ахборот тизими жорий этилган бўлиб, сифатни узлуксиз назорат қилиш, юқори савияли маммография мутахассислари билан таъминлаш, оператив бошқариш ва ташкилий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш имкониятлари жорий этилди. АТ куйидаги модуллардан иборат: реестр модули, ёзувларни юритиш модули, скрининг модули, қўшимча текширув модули, телетиббӣёт модули. Ахборот тизимида турли соҳаларни (паспорт маълумотлари, ID рақами, анамнестик маълумотлар: фарзандларнинг борлиги ва сони, менопауза ёши, гормонал препаратларни қабул қилиш, гормонал препаратларни қабул қилиш оралиғи, наслий касалликлар, кўкрак безининг бошқа касалликлари) ўз ичига олган махсус рўйхатга олиш харитаси яратилди.

Тадқиқотимизнинг мақсади Когон шаҳридаги марказий кўп тармоқли поликлиникасида ўтказилган скрининг натижасида кўкрак бези ўсмалари бўлган аёлларни аниқлаш эди, FUJIFILM AMULET Innovality (Япония)

рақамли стационар маммографи ёрдамида 45-65 ёшдаги 5866 нафар аёлларда яхши сифатли ўсмаларни аниқлаш бўйича скрининг ўтказилди. Скрининг натижаларига кўра, 2021-йилда 2667 (51,7%), 2022-йилда 1874 (36,3%), 2023-йилда 1325 (25,7%) аёллар скринингдан ўтказилган (2-жадвал).

2-жадвал

Когон шаҳрида 3 йил мобайнида скрининг билан қамраб олинган аёллар сони

Туманлар	Аёллар сони	2021		2022		2023	
		абс	%	Абс	%	абс	%
Когон ш.	5866	2667	45,5	1874	31,9	1325	22,6

Биринчи босқичда ўсмаларни аниқлаш учун кўкрак безларининг маммографик текшируви ўтказилди. Олинган суратлар бирламчи ўқиши Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология маркази Бухоро филиалида амалга оширилди иккиламчи ва учламчи ўқиш ва хулоса Тошкент шаҳридаги онкология марказида ташкиил қилинган Reading centre мутахассислари томонидан натижаларни BI-RADS тизими бўйича таснифладилар: (3-жадвал).

3-жадвал

Когон шаҳридаги гинекологик патологияси бор аёлларда кўкрак безлари ўсмаларини скринингдан ўтказиш натижалари

Когон ш.	Сони	BI-RADS 0	BI-RADS 1	BI-RADS 2	BI-RADS 4	BI-RADS 5
Абс	5588	163	2742	2352	215	46
%	100,0	2,9	49,1	42,1	3,8	0,8

BI-RADS 0, BI-RADS 1: маммография натижалари нормал, ҳосилалар, архитектоника бузилишлари ёки шубҳали кальцинатлар йўқ бўлган 163 (2,9%) ва 2742 нафар (49,1%) аёллардир. Улар кейинги тадқиқотлардан чиқарилди ва 2 йилдан кейин скринингдан қайта ўтиш тавсия қилинди.

BI-RADS 2: 2352 нафар (42,1%) аёл Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалига алига кўшимча текшириш учун юборилди.

BI-RADS 4: 215 (3,8%) нафар аёлда аниқланиб хавфли ўсмага гумон қилинган аёлларга морфологик текширув тавсия қилиниб улар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалига юборилди.

BI-RADS 5: Барча белгилари кўкрак беги саратони мавжудлигини кўрсатувчи 46 нафар (0,8%) аёллар ҳам Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалига аёлларни кейинги текширувдан ўтказиш учун марказининг онкоскрининг хонасига юборилди. Ҳисобот даври мобайнида 585 та кўкрак беги саратони ҳолати аниқланган бўлиб, шуларнинг 70–73% I–II босқичларда қайд этилган.


Маммография скрининги дастурини амалга ошириш кўкрак беги саратонини дастлабки босқичларида аниқлаш ҳолатларини кўпайтириш, беморларнинг умр давомийлигини ошириш, беморларнинг ҳаёт сифатини аъзоларни сақлаб қолишга қаратилган даволашни ўтказиш орқали яхшилаш,

ногиронликнинг дастлабки ҳолатлари ва даволаниш ҳаражатларини камайтириш имконини берди.

Кўкрак беzi стереотаксик биопсияси


Стереотаксик биопсиясига: асосий кўрсатмалар ва афзалликлари.

Амалиётни ўтказиш учун энг кенг тарқалган кўрсатмалар – бу кўкрак беziдаги кичик ўлчамдаги ўсмалар (кўл билан пайпасланмайдиган), ёки маммография ёки МРТ орқали аниқланган майда кальцификатлардир. Стереотаксик биопсияси орқали кам инвазив амалиёт кулланилиб кўкрак беzi тўқимасидан туқима намуна олиш мумкин бўлиб, муолажа вақтини анча қисқартириш, наркоздан қочиш, асоратлар хавфини камайтириш ва терида ёки кўкрак беzi тўқимасида қўпол жароҳатли яралар ҳосил бўлишининг олдини олиш имконияти мавжуд.



1- расм. Стереотаксик биопсия ўтказиш босқичлари


Ҳисобот даврида 145 та стереотаксик биопсияси бажарилди ва олинган материал гистологик тадқиқотдан ўтказилди. Гистологик тузилиши қуйидаги кўринишда бўлган:



2-расм. Биопсияда олинган тўқималарнинг гистологик турлари

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб ушбу белгиларнинг боғлиқлик даражасини Microsoft Excel 2010 дастуридан фойдаланиб $M \pm m$


кўрсаткичлари топилган ҳолда вариацион қатор тузилди ва уларнинг корреляция таҳлили Пирсон усули (r) ёрдамида амалга оширилди. Маммография натижалари (BI-RADS) ва гинекологик патологиялар ўртасида муайян корреляцион боғланиш мавжуд эканлигини тадқиқотимиз давомида аниқладик ва бу маълумотлар гинекологик ва маммологик ҳолатларни таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга.



3-расм. Гинекологик патологиялар ва BI-RADS натижалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик.

3-расмда эндометрий гиперплазияси ва бачадон миомаси билан касалланган аёлларда **BI-RADS тизими** бўйича таққослаб кўрсатилган. BI-RADS-2 анамнезида эндометрий гиперплазияси билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги ўганилганда $r = 0,27$ тўғри кучсиз корреляцион боғланиш, бачадон миомаси билан $r = 0,44$ тўғри ўртача муносабати ўрнатилган.

Корреляцион ўзаро боғлиқликларни таҳлил қилиш жараёнида BI-RADS-4 ва 5 нинг анамнезида эндометрий гиперплазияси билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги ўганилганда $r = 0,36$, бачадон миомаси билан $r = 0,52$ тўғри ўртача корреляцион боғланиш аниқланган. Бундай ҳолатда, сезиларли тўғри муносабатларнинг мавжудлиги аёлларда гинекологик касалликлар билан онкологик касалликларининг кечишига ҳамроҳ касалликларнинг таъсирини кўрсатади.



4-расм. Гинекологик патологиялар билан гормонал таҳлил натижалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик.

Эстрадиол ва эндометрий гиперплазияси орасида мусбат уртача ($r = 0,36$) корреляцион боғлиқлик аниқланди. Демак, эстрадиол даражаси ошиши

эндометрий гиперплазияси ривожланиши билан маълум даражада боғлиқ. Эстрадиол ва бачадон миомаси ($r = 0,47$) ўртасида ҳам ўртача боғлиқлик аниқланган. Эстрадиолнинг бачадон миомаси патогенезида сезиларли аҳамиятга эга эканлиги тахмин қилинди. Пролактин ва эндометрий гиперплазияси уртасида ($r = 0,18$) кучсиз тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди. Пролактин эндометрий гиперплазияси билан деярли аҳамиятли боғлиқ эмас. Пролактин ва бачадон миомаси ўртасида ($r = 0,22$) ҳам кучсиз тўғри боғланиш аниқланган.

Тўртинчи боб “Гинекологик патологияси бўлган аёлларда кўкрак безларининг яхши сифатли ўсмаларини ташхислаш хусусиятлари”.

Кўкрак беги патологияларининг эрта ташхисини макбуллаштириш мақсадида кейинги тадқиқотлар учун биз BI-RADS-2 гуруҳидан яхши сифатли ўсмалари ва гинекологик патологиялари бўлган 145 нафар аёлни ажратдик, улардан ўз навбатида, беморларнинг 2 клиник гуруҳи шакллантирилди.

1-гуруҳга биз ҳужайраларнинг нормал ўсиши ва кўпайишининг бузилиши натижасида пайдо бўладиган ва секин ўсиши билан ажралиб турадиган, атрофдаги тўқималарга ўсмайдиган ва метастаз бермайдиган яхши сифатли ўсмалари бўлган 58 нафар аёлни киритдик. 1-гуруҳга фиброаденома 25 (43,1%), ички йўл папилломаси 18 (31,0%) ва липома билан 15 (25,9%) беморлар киритилди.

2-гуруҳ малигнизация хавфи юқори бўлган яхши сифатли ҳосиладан иборат пролифератив тугунли мастопатия (ПТМ) билан оғриган 57 аёлни киритдик. ПТМ – кўкрак беги фиброзли кистоз касаллигининг ўчоқли шаклидир.

ПТМ- патологиянинг энг хавфли шакли бўлиб, кўпинча малигнизацияга учрайди.(Адабиётлар асосида 31% гача) Кўкрак безининг тўқималарида пролифератив жараёнлар (ҳужайра бўлинишининг жадаллашган цикли),одатда, эстрадиол гормони концентрациясининг ошиши туфайли турли даражада фаоллашади. Тугунчали зичлашув бир ёки иккала кўкракда пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли биз пролифератив мастопатияни алоҳида гуруҳга ажратдик.

3-назорат гуруҳига сут беги патологиясиз гинекологик касалликлари бор 30 нафар бемор киритилди. Энг кўп учраган гинекологик патологиялар қаторидан бачадон миомаси, аденомиоз, эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари ва жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари қайд этилди.

Кўкрак беги яхши сифали ўсмаларни прогноз қилиш ва эрта ташхислаш учун энг катта аҳамиятга эга бўлган гинекологик касалликлар билан хасталанган аёлларнинг ҳолатини баҳолаш учун гормонал мезонларни аниқлаш (соматик патология, “экологик-генератив дисбаланс”, вегетатив дисфункция, психоэмоционал зўриқиш синдроми, гормонал дисбаланс, липид алмашинувининг бузилиши) гинекологик патологияси бўлган беморларни маммологик кўрсаткичларининг ўзгаришини текшириш алгоритминини ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Кўкрак бегидаги пролифератив жараёнлар кўпинча бачадон, эндометрий, тухумдондаги турли патологик ўзгаришлар билан бирга кузатилади.

Гормонал таҳлил натижалари

Курсатгич	1 гурух	2 гурух	Контрол гурух	p(назорат гуруҳи билан солиштирилганда)
Эстрадиол (пг/мл)	312,5 ± 23,2	375,8 ± 25,7	215,1 ± 20,5	<0,01 <0,001
Прогестерон (нг/мл)	18,1 ± 1,3	20,3 ± 1,2	12,7 ± 1,4	<0,01 <0,001
ЛГ (мМЕ/мл)	4,64 ± 0,09	5,12 ± 0,1	4,7 ± 0,07	>0,05 <0,01
ФСГ (мМЕ/мл)	6,7 ± 0,1	6,9 ± 0,09	6,4 ± 0,08	<0,05 <0,001
Пролактин (mIU/m)	468,4±16,2	494,7 ±19,6	308,2±12,4	<0,001 <0,001

Таҳлил натижаларига кўра, айниқса пролифератив тугунли мастопатия ҳолатларида эстродиол ва пролактин даражасининг ортиши аниқланди. Бу кўрсаткичлар сут безларида патологик жараёнларнинг гормонал механизмлари билан боғлиқлигини тасдиқлайди ва профилактика ҳамда диагностикада эндокрин маркерлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

